



Ўзбекистон — келажги буюк давлат

ЖАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



2000-йил 31 октябрь сешанба Сوتувда эркин нарҳда № 216 (2513)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

Бугунги ҳаракат — эртанги баракат

Барча сафарбар

ЖИЗЗАХ

Вилоят ҳокимлигида Президент Ислам Каримов расмийликда Оқсаройда пахтачилик масалаларига бағишланган ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 21 октябрдаги «2000 йил пахта ҳосилини йиғиштириб олишни тугаллаш ва 2001 йил ҳосили учун агротехника тадбирларини ўз вақтида ўтказишга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғриси»даги қарорининг бажарилишига бағишланган йиғилиш бўлиди. Уни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Алимов бошқарди.



Сабабсиз оқибат бўлмас

Шухрат ЖАББОРОВ, иқтисодий шарҳловчи

Бугунги давр одамига бирор фикрни уқтириш осон эмас: ҳаммаси тушунган, замонавий. Илгари эди, шаҳардан келган одам бир гап айтса, қишлоқдагилар «Ие, шунангами, бунга қаранг-а, биз билмабмиз» деб бошини сарак-сарак қилиб кўярди. Энди-чи? Тезкор асрнинг билгаларни сизга ўргатиб қўйишлари мумкин.

«У ҳолда нега пахта етиштириш бўйича берган ваъдани бажармайсиз?» деб сўрасангиз, оғзингиздан чиқмай ёқангизга ёпиштиришди. Қуроқчиликни кўрмадингизми, табиат қийнаб қўйди, деб жавоб қилишди.

Бир қарашда бу гаплар тўғридай. Ҳа, жанубий ва шимолий минтақаларда сув кам бўлди, ғўза ҳосил нишонларини тўқиб юборди. Лекин миришкор деҳқон чорасини топди-ку? Астойдил енг шимариб ишлаган жамоалар «яққ» этиб кўзга ташланишди-ку?

«Емон отда улоқ чопиб бўлмайдми?» деб қўйлайди таниқли бир хонандамин. Тўғри-да, улоқда ютиш учун учқур саман керак. Лекин мен шу мантқан таявни, яққордаги саволни давом эттирмакчиман. Ерни саёз қайласангиз, қузда эмас, баҳорда пул солисангиз, ғўзадан ўқ томири чуқур кетадими? Жавоби маълум: йўқ. Илгари ривожланмаган ғўзадан мўл ҳосил қилиш мумкинми?

Дехқончиликда унча-мунча хатога йўл қўйиш мумкин, йўл-йўлақай у хатоларни тузатиш ҳам мумкин. Лекин шудор чуқурлиги 45 сантиметр урнига 20-30 сантиметр бўлса, уни умуман тузатиб бўлмайди. Бу хатога йўл қўйган раҳбар ёки мутахассисга қандай ҳаёт бериш мумкин? Бехиёр хато қилганингиз келадиган «Ҳой, баракат топгур, кел-

Мамлакатимизда

Тола хорижга сотилмоқда

Ромитан туманидаги «Оқ олтин» пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти 33 минг 122 тонна пахтанинг 94 фоизини олий навларга қабул қилди. — Шу пайтгача бу йилги ҳосилнинг 5 минг 537 тоннаси қайта ишланиб, қимматбахона тала Франция, Швеция, Россия давлатларига экспорт қилинди, — деди корхона раҳбари Рустам Туробов. — Ишлаб чиқаришнинг муҳим омилли ҳисобланган қисқа технология асосида сифатли маҳсулот тайёрланмоқда. Барча жараёнларда тежамкорликка эътибор берилляпти. Шунинг ҳисобига заводда қўшимча иш урилиши яратилди. Тўқув, тўқув чехлари ишла туширилади. Ҳозирги кунда жамоада 490 нафар иши меҳнат қилмоқда. Уларнинг ўртача ойлик маошлари 12-15 минг сўмини ташкил этапти. Жамоа аъзоларига имтиёзли нарҳларда ғўшт ва сут маҳсулотлари етказиб бериш мақсадида ёрдамчи хўжалик ташкил этилиб, у ерда қорамол ва қўйлар парваришланмоқда.

Набихон отанинг бойлиги

Қорасувлик кекса муаллим Турсунбой ака Ҳўжамбердиев — шу ҳудуддаги энг бой ва энг саҳий инсонлардан бири. Унинг ҳазинасида ўн мингдан зиёд ноёб китоблар мавжуд. Қалби эзеллик, билимга ташна инсонларга ўз кутубхонаси эшикларини кене очиб қўйган.

Аёллар альянси

Маълумки, республика хотин-қизлари ўртасида туризмни ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон-Италия «Аёллар альянси» ташкил этилган эди. «Аёллар альянсининг Қашқадарё бўлими ҳам иш бошлади.



Куррай заминда

Аскар Акаев яна Президентликка сайланди

БИШКЕК. Утган яшанба кун Кирғизистонда Президент сайлови бўлиб ўтди. Унда амалдаги давлат раҳбари билан бирга, яна беш номзод қатнашди. 30 октябр кун мамлакат Марказий сайлов комиссияси раиси Сулаймон Имомбоев эълон қилган дастлабки маълумотларга кўра, Аскар Акаев сайловчилардан 73,4 фоизнинг овозини олиб, мутлоқ ғалаба қозонган. Унинг асосий рақиби, парламентнинг қуйи палатаси раиси ўринбосари Умурбек Текебаев 11 фоизлик кўрсаткичга эриша олган. Қолган номзодлар 1 фоз атрафда овоз олган. Фақат Социал-демократлар партияси етакчиси Олмасбек Отамбоев 6 фойза яқин овоз тўплаган.

Таклиф рад этилди

ТЕЛ-АВИБ. Уч ойлик тапафусудан сўнг Исроил кесетиси (парламенти) ўз ишчи болади. Кесет раиси Авраам Бурр араб депутатини Талиб ас-Санаанинг парламент мажлиси бошланғичдан олдир Исроил ҳарбийлари билан тўқнашуларга ҳалоқ бўлган фаеастиликлар хотирасини ёдга олиб, бир даққа сукут сақлаш тўғрисидаги таклифини рад этди. А.Буррининг айтишича, бу кўп депутатларнинг норозилигига сабаб бўлиши мумкин эди.

Ҳаводан хужум

БАҒДОД. АҚШ ва Буюк Британия ҳарбий самолётлари Ироқ жанубида навобатда ҳаво зарбаларини бери. Натижанда икки киши ҳалоқ бўлди ва бир киши жароҳатланди. Ироқ армияси вакилининг айтишича, АҚШ ва Буюк Британия самолётлари фуқаро объектларига хужум қилган.

Сўнгги чора кўрилади

МЕХИКО. Агар Колумбияликларнинг Панама ҳудудида оммавий суқлаб кириши бошланса, мамлакат ҳукумати ЕМТнинг ҳавофизлик кучларига ёрдам сўраб мурожаат қилади. Панама Президенти Мирейя Москосо шундай деди. Унинг айтишича, Колумбияда наркоманфияга қарши кескин кураш бошлангани тўғрисида бундай фаолият билан шуғулланувчиларнинг Панамага ўтишига уришини оммавий тус олиши мумкин. У ҳолда Панама-Колумбия чегарасига ЕМТ ҳавофизлик кучларини жойлаштиришдан бошқа чора қолмайди, деди Президент.

Офат ташвиш келтирди

МАНИЛА. Филиппинда юз берган тўфон оқибатида камдади 15 киши ҳалоқ бўлди, икки юздан ортиқ киши жароҳатланди. 25 киши бедарак йўқолиб, деб хабарланмоқда. Хабарларга қараганда, табиий офат 43 минг кишини бошпанасидан айирган. Электр тармоқлари узилгани тўғрисида кўпай туманлар электр қувватсиз қолди.

Обуна — 2001

«Газета ўқимасанг, ишинг юришмас экан» — дейди Кизирик туманидаги Охунбобоев номли деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси раиси Эшпўлат Нурматов

Нурматов шу йил баҳорда уюшмага раис бўлиб келиб, суриштирган биринчи гапи газета бўлди. Биласки, бу томонларга матбуот нашрларидан биттаси ҳам келтирилмас экан. Чунки ҳеч ким обуна бўлмаганди-да.

«Охунбобоев»нинг иқтисодий жиҳатдан ўрмалаб қолганига етти-саккиз йил бўлиб қолди: пахта, ғалла етиштириш режаларининг бажарилиши улда-жўлда. Ер шўрланган. Раислар деҳқон газета-китоб ўқимаса ҳам, чигит экишни яхши билади, деган кайфиятда Маданий-мафкуравий ишлар ҳамин қадар.

Янги раиснинг фикрлаш тарзи эса бошқача. Газетани ўқиб турмасанг, еб турган таомининг тазминини яхши фарқлай олмаслигин мумкин, дейди у. Вақтли матбуот нашрлари обунасига Нурматовнинг ўзи раҳбарлик қилади. Охунбобоевликлар 30 нафарга ёзилдилар. Аиниқса, ҳар бир бўлим, ҳар бир қишлоқ «Халқ сўзи»-ни ўқийдиган бўлди.

— Газеталар келгуси йили бизнинг ютуқларимизни ёзадиган бўладилар, — дейди раис ишонч билан.

О. УСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

НОТИҚ НЕГА ЧУРҚ ЭТОЛМАДИ?

ёки Қашқадарё вилоятида 9 ойлик яқунларга бағишланган йиғилишдан олинган таассурот

Нарзулла РАВШАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири

Гапинг очиги, ўрнига қараб мажлис, йиғилиш, семинар, анжуман, қўйингки, турли тадбирлар бўлиб ўтади. Ҳаммасида ҳар хил масала. Чорак, ярим йиллик, 9 ойлик яқунга бағишланган йиғилишлар ҳам олдига айланган. Шу пайтгача улар Қашқадарёда бир хилда, бир тартибда ўтарди. Вилоят ҳокимининг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари жаноб Шарофиддин Назаров ҳар гап бир йўсинда маъруза қиларди. На савол тушарди, на жавоб бўларди. Йиғилишни йиғилиш, мажлиси мажлис, маърузачи бор, мунозарачи чиқувчилар ҳам. Улар ҳам бир хил. Шунинг учун «шатали» нотиқлар деган киноямуз ибора ҳам пайдо бўлганди. Хуллас,

ҳамма нарса номига бўлганлиги учун айтаганим сўзингиз тасири ҳам бўлмасди, натижаси ҳам. Айтадиларки, қолиб кетарди. Шундан бўлса керак, айримлар 2-3 соат давомида бемалол хомага тортиб, уйкуни уришарди. Аммо Қашқадарёда 9 ойлик сарҳисоти бўйича бўлиб ўтган йиғилиш олдига айланган. Кўпларни хушёр тортириб қўйди. Сабаби — нотиқларга узундан-узук маъруза ўқишга изн берилмади. Қисқа ва лўнда қилиб, масала моҳиятини айтиш талаб қилинди. Қишлоқ хўжалиги ва коммунал хизмат соҳасида сўз юритилмади. Бу соҳалар бўйича яна 10-15 кундан сўнг алоҳида-алоҳида тўхталишга, муаммоларни ечишга келишимди.

Йиғилишда масала кўндан-кўн қўйилди. Саволлар дунгал ўртага ташланди. Маса-

Суд бошланди

Айблов ҳулосаси ўқилмоқда

Фурқат САНАЕВ, «Халқ сўзи» мухбири

Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий судида Конституциявий тузумга қарши кўпуровчилик, Ўзбекистон Президенти ва бошқа давлат раҳбарларини жисмонан йўқ қилиш ва бошқа ўта оғир жиноятларни содир эт-

ганликда айбланувчи 12 нафар шахсга нисбатан очик суд жараёни бошланди.

Суд мажлиси Олий суд раиси ўринбосари Бахтиёр Жамолов раислигида, Олий суд судьялари Уктам Акбаров ва Ҳайитали Мирзаалиев таркибда олиб борилмоқда. Давлат айбловини қўлаш учун Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратури

ўринбосари Эркин Қудратов ва судланувчиларни ҳимоя қилиш учун эса бир қанча адвокатлар иштирок этмоқда.

Шунингдек, суд мажлисида мамлакатимиз ва қатор чет эл оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳамда республикамиздаги элчихоналарнинг масул ходимлари қатнашишмоқда. (Давоми 2-бетда).



Каттакўрғон туманининг «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида жойлашган «Умар бобо» деҳқон-фермер хўжалигининг ташкил топганига эндигина бир йил бўлди. Хўжалик, асосан, кўрпк ерда пахта етиштирилади. Жорий йилда маъзур фермер хўжалиги аъзолари режани орғини билан бажаришди. Эндиликда улар ҳосилдорлигини 29 центнерга етказиш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Азиз муштари! Сизга хуш кайфият тилаган ҳолда газетамиз учун обуна давом этаётганлигини маълум қиламиз

Йодли сақичлар

Тошкент туманининг Хасанбой қишлоғида фаолият кўрсатаётган «Ганжбайжон» ўзбек-турк қўшма корхонасида бўқоқ касалигининг олдини олувчи йодланган сақичлар ишлаб чиқарила бошланди. Ушбу сақич тури ҳозирча дунёда ягона бўлиб, республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги Эндокринология институти томонидан юқори баҳоланган.



Б. ОСТАНАКУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири

Қўшма корхона бош директори Закария Бойбейнинг таъкидлашича, бу ерда ойига 300-350 тонна сақич ишлаб чиқариш мумкин. Маҳсулотнинг асосий қисми эса экспортга йўналтирилмақда. Хусусан, ўтган йили Россия Федерациясига ун турдаги қарийб 900 тонна сақич эк-

порт қилиниб, 60 миллион сўм соф фойда кўрди.

Муҳими, ушбу корхонанинг айнан Хасанбой қишлоғида ташкил этилганлиги бира-тўла шу ерилик 200 нафар хотин-қизни иш билан таъминлаш имконини берди. Ишчи-хизматчиларга эса бепул тушилик, келиб-кейтишлари учун махсус автобус йўналишлари ташкил этилган. Бу ерда кунда уларнинг ўрта-

ча ойлик маоши 20-25 миң сўмни ташкил этмоқда.

Яқинда қўшма корхона мамурияти яна бир хайри ишга қўл урди. Шу йилнинг охирига қадар кунга 7 тонна қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган янги цехни ишга тушириш учун тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди. Айни пайтда бу ерда сўнги монтаж ишлари олиб борил-

моқда. Мазкур цех тўлиқ ишга тушгач, яна 30-35 нафар қишлоқ ёшлари иш билан таъминланади.

СУРАТДА: корхона оператори **Малика Исроилова** қадоқланган маҳсулотларни кўз-кўз қилмоқда.

Даврон АХМАД
олган сурат.

Шу азиз Ватан — барчамизники!

Яхши фарзанд — ота-она умиди, белинг қуввати, кўзининг нури. Имони бут ҳар бир ўғил-қиз эмай-едирган, киймай-қийдирган жафокан отасининг, мунис онасининг юзиди ерда қаратмаслик, аксинча, умид-орзуларининг уш-лиши учун курашади. Дилмурод ҳам ана шундайлардан.

Озод БЕК,
«Халқ сўзи» мухбири

— Ҳаққимизнинг ўтган йилдан бошлаб инглиз тилига йўналтирилган. Андижон техник лицейи деб номланади, — ҳикоя қилади Д. Абдуллаев. — Ёшлигимдан авточилангарлик касбинини яхши кўра эдим. Орзуимга етдим. Бироқ олган билимим, эгаллаган хунарим мени қониқтирмаётгандай. Шунинг учун Тошкент автомобиль йўллари институтига ўқишга кирмоқчиман. Янги русумдаги ўзбек автомобилларини яратиб, Ватанимизнинг иқтисодий раванки, қудратига ўз ҳиссамни қўшсам, дейман.

— Янги қурилган коллеж ва лицейларнинг замонавий техник воситалари, компьютерлари учун беҳад миннатдорим. — дейди Андижон миқдлий касб-хунари лицейи битирувчиси М. Мамадалиева. — Бундай этибор, ғамхўрлик учун тинмай изланишимиз, билим олишимиз керак, деб ҳисоблайман.

Республика «Камолот» жамғармасининг Андижон вилоят бўлими Дилмурод ва Маликага ўхшаш ёшлар сафини кенгайтириш, улар онгига соғлом фикрларни синдириш, умминсоний қадриятларини шакллантириш, ибратли ташаббусларни кенг оммалаштириш мақсадида турли тадбирлар, учрашувлар, кўрик-танловлар ўтказишга эътибор қаратмоқда. Чунончи, «Она юрт гўзаллиги — миллат кўрки, афзаллиги» мавзудаги кўрик-танловнинг ўтқа-

зилиши фикримизнинг исботидир.

Жамғарманинг шаҳар, туман бўлимлари қошида ҳозирги замон илгор гоёла-

Дилмурод янги автомобил яратмоқчи

рини пухта эгаллаган, ислохотлар моҳиятини чуқур англаган, миллий истиқлол мафқурасини бутун кўлами билан тушуниб етган зиёлилардан иборат «Фидойилар» клуби ташкил этилди. Клуб аъзолари жойларда бўлганларидан ўз тингловчиларига халқимиз асрлар давомида умумбашари, умминсоний қадриятлар тақомилига катта ҳисса қўшганлигини аниқ мисоллар ёрдамида сўзлаб бераётганлар. Турли миллат вакилларига ҳурмат, улар билан оға-инидай яшаш, барикенглик, бошқа халқларнинг илгор тажрибалари ҳамда маданиятини ўрганиш каби хусусиятлар қон-қонимизга синиб кетанлигини таъкидламоқдалар.

— Биз, — дейди «Камолот»чилар сардори Н. Ашуров, — шунинг англаб етдикки, ҳар бир фуқаро, ҳар қайси инсон жамият тараққиёти ва уни яхшилашга бўлган

ўз муносабати ва ўрнини, керак бўлса, бурчини билсин. Бу борада ўзига-ўзи ҳисоб берсин. Утмиши билан бугунини қиёсласин, таҳлил қилсин. Ушунда етмиш йилдан ортиқ даврда эришолмаган, эришиш мумкин ҳам бўлмаган масалалар ойдинлашди. Мустақиллик йилларининг мўъжизакор манзаралари бутун шакл-шамойили билан буй кўрсатади. Бу биз англаган ҳақиқатдир.

«XXI аср ёшлари ва замонавий мусулмоннинг асл қиёфаси» дастурини ишлаб чиқар эканмиз, миллий истиқлол мафқурасида муқаддас динимизнинг моҳияти, унинг турғилик, поклик, ҳамжихатлик, Ватанини севиш каби инсонпарварлик гоёлари, динга соғлом муносабат масалаларига кўпроқ эътибор қаратдик.

Назаримда, биз кенг жамоатчилик, аниқлик, ёшлар билан қанча кўп учрасак, бир пиёла чой устида суҳбатлашсак, баҳс-мунозаралар уюштирсак, дунёқарашимиз шунча кенгайди, фикрларимиз тиниқлашди. Андижон шаҳрининг «Боғи-шамол» даҳасидан 9-, 16-мактаблар, Андижон туманининг Ҳартум қишлоқ фуқаролар йиғини, Асакадаги муаллимлар тайёрлаш билим юрти, қишлоқ хўжалик коллежи талабалари билан бўлиб ўтган учрашувлар, ажойиб суҳбатлар кўпгина маъқул бўлди. Умири халқ хизматида ўтган, элнинг катта ҳурматида сазовор бўлган оталар ва оналаримизнинг, ака ва оналарининг мисоллар келтириб юракдан айтган гаплари қалбларга нур, эзгулик олиб киришдан ташқари муракко босган кўзларнинг очилишига, сертак тортишимизга туртки бўлди.

«Жанубий шохбекат» ишига тушди

А. ИСКАНДАРОВА,
ЎЗА мухбири

Нукус шаҳрида иккинчи автошохбекат фойдаланишга топширилди. «Жанубий шохбекат»дан пойтахт Тошкент ва мамлакатимизнинг бошқа йирик шаҳарларига, Қорақалпоғистоннинг йироқ туманларига ўн беш йўналишда автобус қатнови йўлга қўйилди. Кунга 500 йўловчига хизмат кўрсатадиган ушбу маскан барча қулайликларга эга.

Шохбекат «Ўзавтотранс» корпорацияси томонидан миллий меъморчилик анъаналари асосида бунёд этилди.

Газета материаллари изидан

«Ҳақиқий маърифатпарварлар кимлар?»

Ўзбекистон Маърифатпарварлар жамияти Минхужиддин Миронинг «Халқ сўзи» газетасида (2000 йил 6 сентябрь) боғлиқ шундай мақола эълон қилинган. Мақола бугунги маърифатпарварлик ҳаракати билан боғлиқ бирмунча долзарб масалаларни кўтаргани ва бу масалаларга кенг жамоатчилик эътиборини қаратгани билан аҳамиятлидир. Айни пайтда мақолада маърифатпарварлар жамияти вилоят бўлими фаолиятидаги жиддий нуқсонлар ҳам танқид остига олинган.

Жорий йилда жамият олди-га қўйилган асосий вазифалардан бири умумтаълим мактабларини янги ўқув йилига тайёрлаш, ҳар бир вилоятда қандайдир ўқув муассасасини хусусий тадбиркорлар билан таъмирланган-ю,

Гулчеҳра Йўлдошева, Қудратилла НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбирлари

— Адҳамжоннинг жўнаб кетганига салкам бир йил бўлибди-я. Болажоним бегона юрда мени, акасини соғиниб, бўлари бўлгандир...

Кенжасининг ҳаммиса жиддий тортиб турадиган қиёфаси кўз ўнгидан ўтиб, ўзига ўзи гапиратган Моҳира онанинг хаёлини нариги хонада телевизор кўриб ўтирган Баҳромжоннинг ҳаяжонли қичқириви бўлди.

— Аба, абажон, тез келинг, Адҳамни кўрсатишяпти, ана, укажоним.

— Қани, қани, Адҳамим, — кўзларида милтираётган соғинч ёшлари тезлашган оназор худди ўғлини қўчиб оладигандай экранга талпинди.

— Қўрмайсизми, ана, Президентимизнинг чап томонларида турибди-ку? Қаранг, анча улғайиб қолганимиз? — кўнглида укасинга нисбатан уйғонган гурурини ошқор этди Баҳромжон. — Ҳаммаси баъманни йигит-қизларга ўхшайди. Кўли кетиб ози қолди, ҳадемай, Адҳамнинг бағриниғизга қайтди.

1999 йилнинг апрели эди ушунда. Юртбошимиз Океан орғига, НАТОНинг 50 йилги тантаналари муносабати билан Америкага борган чоғларда у ерда тахсил кўраётган ўзбекистонлик ёшларнинг бир гуруҳи билан учрашиб, дилдан суҳбатлашгандилар. Аъло ўқини, ўзини тутта билиши билан тенгдошлари орасида ажралиб турадиган бу 17 нафар йигит-қиз сафида Нью-Йоркдаги Пейс университети молия факультетининг талабаси, наманганлик Адҳамжон Кўчқоров ҳам бор эди.

— Адҳамжон «Умид» жамғармаси танловига гўлиб чиқиб, Америкага отланганида, роса сунгандим, — ҳикоя қилади Моҳира она. — Уни телевизорда, шундоқ Юртбошимизнинг ёнгиналарида турганини кўриб, рости ўзимни кўрага жой топпмай қолдим. Ислом Абдуғаниевич болаларимизни йигитиб, уларнинг ўқини, яшаш шароити, мақсад ва режалари билан танишганларидан кўнглим хотиржам тортиди. Кўшнларим ҳам анча вақтгача Адҳам

Баркамол авлод орзуси

жонни телевизорда кўрганларини гапириб юришди.

Биргина Моҳира онага эмас, дилбандлари АҚШда ўқётган кўп қабил хонадонларга байрам олиб келди ўша кун. Президентимиз сафар дастури нақдлар тизги бўлишига қарамай, у ердаги талабалар билан учрашишга вақт топа олганлари, улар бошини сийлаб қайтганларидан кўнглилар тоғ қадар ўсди.

Наманган шаҳрининг «Дам-боқ» маҳалласида яшовчи шифокор Моҳира Қаримова тақдир тақозаси билан икки фар-

Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармаси танловига гўлиб чиқиб, ўқини Америкада давом эттириш шарафига мўъясар бўлган кезлари ўқувчилигида ҳафтани иккига бўлиб, уч кун математика, уч кун инглиз тилидан қўшимча сабоқ олганлари кел-худа кетмаганига иймон келтирди. Талабачан ўқувчисида меҳнатини аямган Матлуба Хўжаева, Вячеслав Қорабоев, Светлана Ким сингари устозларнинг сиймоси лип-лип ўтди кўз ўнгидан.

— Бизга ўзимизни ва дунё-

олдйи фарзандини Америкада ажойиб юрдага етказди. Турт йил Нью-Йоркда истиқомат қилиб, жаҳон иқтисодиёти, молияси, банки асосларини эгаллаган Адҳамжон амалий машғулотларда машҳур банкилар, мутахассислар иш усубини ўрганиб, компьютер ва бошқарув техникасини ўзлаштирди. Яхши ўқигани, яхши ўққани боис онаси ҳам Нью-Йоркни қўриб қайтди. Пейс университетидаги ўзбекистонлик ёшлардан турт нафарининг ота-онаси алоҳида тақлифнома билан бу ерга таъриф буюришди.

— Бир ҳафта мобайнида Адҳамжон мени университет, профессор-ўқитувчилари, курсдошлари, бутун Нью-Йорк билан яқиндан таништирди, — дея сафар кунларини хотирлайди Моҳира она. — Қаранг, университетда ўтказилган тадбирда профессор скрипка чалапти, яна бир ўқитувчи бошқа мусиқа асбобини. Талабаю домларлар бир даврда жамулжам. «Болаларнингизнинг

иқтидорини тиришқоқларинга гап йўқ», дейишди ҳаммавлари. Адҳамжон Кўчқоров — «Умид» жамғармаси хоризга юборган қадриғон талабалардан бири. У юртимиз ишончини оқлаб, Пейс университети медал билан тугатилди. Бугун молия ва банк соҳаси бўйича жаҳон андозлари даражасида мутахассис. Унинг камоли она-Ватан, юрт меҳрини юрагига юз қилиб, билими, кучи, гайрати, керак бўлса, жонини истиқлолимиз боксийлиги учун бағишлашга шай турган ёшлар бисёр эканлигини нишонла. Беихтиёр тилинган дилинга кўчади: ана шулар-да мамлакатимиз салоҳиятини янги-янги қирраларини очиб, уни жаҳонга машҳур қиладиган!

Наманган вилоят марказий шифохонаси поликлиникасининг шифокори Моҳира Қаримованинг айтишига қараганда, Адҳам она республика Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасида ишлаш учун йўлданма беришибди. Бунинг эшитиб, «Еш мутахассис аини жонини топади-ан бўлибди, бо у иқтисодиёт шифолиғида истеъмолчилар манфаатларини ҳимоя қилиш долзарб вазифалардан бири бўлиб турган паллада бундай ки-шилар жуда-жуда зарур», деган фикрлар ўти хаёлимиздан.



СУРАТДА: Адҳамжон (чапда) ўқитувчиси ва онаси билан.

БИЗНИЧИ
DEP AZALAPIMIZDACH
DUQIE TUZAL KURICHADU.

Алюминийдан тайёрланган дераза ромлари ва витраж тизимлари:

- турли шакл, ўлчам, рангдаги дераза, эшик, витражлар тайёрлаш
- турли аркалар тайёрлаш
- чанг ва товуш ўтказмаслик
- ойналарнинг хаво ўтказмаслиги
- очиладиган ва суриладиган қурилма, жалюзилар ўрнатиш учун қулай
- ёнғиндан хавфсиз.

Якка буюртмалар қабул қиламиз.

Йил мобайнида сервис хизмати кўрсатиш.

ALQUR

Манзил: Тошкент ш., Ботембо тумани, «Оҳангар» шохбаси, 2
Тел.: (371) 185-67-78, 185-67-74, 130-79-90.
Факс: (371) 98-47-00.

Шохино дилдорлариниз:
Андижон ш., Фитрат ёқаси, 214.
Яил.факс: (37422) 25-25-94.

Навоий ш., «Фоникс К» фирмаси,
Яил. (43622) 30761. ©/1997

VARI-MT
Қишлоқ хўжалиги ва боғдорчилик кичик техникаси

VARI фирмасининг қишлоқ хўжалиги ва боғдорчилик учун чиқарган кичик ҳажмдаги техникаси фермерларга ва боғбонларга битта техника воситаси билан ҳамда ўзаро алмашадиган қўшимча мосламалар билан ҳар хил ишларни бажариш имконини беради. Ҳеч қандай қийинчиликсиз бир соат вақт ичида 1 гектаргача ер майдонига ишлов бериш мумкин, бунинг учун фақат 0,8 л ёнгилги ишлатилади.

«HONDA» мотори ва Т-20 (Чехия) узатини қўтиси ўрнатишга техника воситасига бир йил кафолат берамиз.

Бизнинг манзил: Тошкент ш., Уста Ширин кўчаси, 136-уй. (Мўлжал: «Ўзметаллсавдо» ОХЖ базаси). тел.: 48-30-64, факс: 48-08-928.

AMF
Mineralplatten GmbH
— Германия

ЎЗБЕКИСТОНДА БИРИНЧИ

Европадаги осма шифтлар ишлаб чиқарувчи етакчи корхона Тошкентдаги оғбордан барча турдаги ўз маҳсулотларини тақлиф этади.

Ўрнатиладиган металл конструкциялар билан биргаликда 60х60 см.даги шифтларнинг турли кўринишлари.

СПЕЦМНПО
Глинка к., 19.
Ф. 152-66-10, 55-47-40.

ДИПЛЕРАЛ:
Нурот к. Глинка к.

МЧЖ "VIKERS" СУ
Халқдор Дўстлиги к., 100.
Тел.: 79-75-09, 79-05-65.

ШИФТЛАР

ALQUR

